АСҚАРТОҒ ОБРАЗИНИНГ МИФОЛОГИК ТАЛҚИНИГА ДОИР

З.ЭШАНОВА, Ф.ҚОЗОҚОВА

Мақолада ўзбек халқ достонларидаги Асқартоғ образининг мифологик талқини ҳақида фикр юритилган. Ўзбек фольклоридаги тоғ образининг бадиий талқинлари "Гўрўғлининг туғилиши", "Алпомиш", "Зулфизар" достонлари мисолида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *мифология, культ, тоғ образи, мифологик макон, достон, эпик макон, аждодлар руҳи, ғайб эранлар макони.*

В статье рассматривается трактовка мифологического образа горы Аскартог, упоминающейся в узбекских народных эпосах. Художественные трактовки образа горы в узбекском фольклоре приведены на примере таких поэм, как «Рождение Гор-оглы», «Алпамыш», «Зулфизар».

Ключевые слова: *мифология, культ, образ горы, мифологическое место, эпос, эпическое место, дух предков, место духовных покровителей.*

In this article on the examples of epic poems 'Birth of Go'ro'g'li', 'Alpomish' and 'Zoolfizar' the author tries to analyze the mythological interpretation of the image of 'Asqartog' in the Uzbek epic poems

Key words: *mythology, cult, the character of mountain, mythological place, epos, epical place, spirit of ancestors, place of spiritual protectors.*

Тоғ образи дунё халқлари бадиий ижодидаги анъанавий образлардан ҳисобланади. Ўзбек фольклорининг барча жанрларида кенг иштирок этадиган тоғ образи матнда муҳим бадиий-эстетик вазифа бажариб келади. Ушбу мақолада халқ достонларидаги Асқартоғ образининг мифологик талқини ҳақида фикр юритамиз.

Ўзбек халқ достонларидаги тоғ билан боғлиқ эпик номларга назар ташланса, уларнинг маълум қисми муайян бир достон ёки туркум доирасида қўлланилишини кузатиш мумкин. Масалан, Балотоғ, Полопонтоғ, Сулдуз каби тоғ номлари "Гўрўғли" туркум достонларида учрайди. Боботоғ, Қорача тоғи, Муродтепа кабилар "Алпомиш" достонига хос эпик номлардир. Аммо деярли барча достонларда бирдек тилга олинадиган, бевосита эпик матн қамровидан чиқиб, халқ тасаввурига кенг сингишган эпик маконлар ҳам мавжудки, улардан бири Асқартоғдир. Асқартоғ нафақат "Гўрўғли", "Алпомиш" каби ўзбек халқ достонларида, балки қардош халқлар эпосида ҳам кенг қўлланилиши билан ажралиб туради. Бу ҳол Асқартоғ образининг қўлланиш доираси кенглигини кўрсатиш билан бирга, унинг қадим илдизларга эга анъанавий образ эканидан ҳам далолат беради.

"Гўрўғли" туркум достонларида Асқартоғ турли ўринларда ва ҳолатларда мифологик талқин этилади. "Гўрўғлининг туғилиши" достонининг Пўлкан шоир вариантида Гўрўғли йўқолган тойини излаб узоқ юради. Достонда бу йўл тафсилоти атрофлича баён этилган. Пўлкан шоир Гўрўғлининг йўлини, аввало, тингловчига маълум қишлоқ, шаҳарлардан олиб ўтади: Гўрўғли тойини Нурота, Манғит, Кенакас, Боқирғон, Самарқанд, Қирқ, Хитой, Қипчоқ, Муйтан, Сентоп, Жиззах, Зомин, Ўратепа, Ховос, Сирдарё, Тошкент, Заркат тоғи, Тўқмоқли, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш, Олай қирғизлари юрти, Қашқар, Хитой-Хўтан, Чин-Мочин, Афғоннинг шаҳри, Боғдод, Шом, Ҳиндистон, Мисрдан излади.

Туркманни оралаб кетди.
Тухуми қозоқни сўратди,
Тополмади азиз отини,
Жарчилар қўйиб кичқиртди [2.114].

Шундан сўнг бахши ер юзидаги реал маконларда мақсадига эришолмаган Гўрўғлини узоқ мифологик манзилга элтади.

Етим тойни тинмай излаб Гўрўғли,
Чиқиб кетди элсиз, сувсиз далага.
От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Тойин излаб юра-юра ёш бачча,
Чиқиб қолди катта тоғнинг устига [2.120].

"Гўрўғлибек шу тоғнинг устига чиқди. Тоғнинг оти Афсар тоғ эди. Ҳар тарафга тикилиб қараса, узоқдан гоҳ кўк, гоҳ оппоқ, гоҳ қип-қизил, гоҳ яшил, гоҳ пистоқи бўлиб ҳар (хил) ранг товланиб, бир нарса кўринди. Гўрўғлибек шунга қараб, яшиндай бўлиб қистаб, юриб кетди. Бориб қараса, у бир работ" [2.123]. Бу Мисқол парининг работи эди. Мисқол парининг юрти достонларда Ирам боғи деб юритилади. Гўрўғли Ирам боғидан ўтиб Афсар тоғда эранлар манзилига боради. "...Гўрўғли аччиғланиб, бу ердан қайтиб бир жойга чиқди. Қирга чиқиб шундай қараса, Ғиркўк от фалакни кўзлаб турган анжомли тилла зул кўрарли нўқта марварид якка михга боғланган. Буни кўриб Гўрўғлибекнинг вақти хуш бўлганидан ҳушидан кетиб йиқилди" [2.123]. Шундан сўнг Гўрўғли чилтонлар билан ғорда учрашади. Ғорда Хизр ва чилтонлар уни алп сифатида тарбият этишади. Достон талқинига кўра эранлар – Хизр ва чилтонлар макони билан Гўрўғли яшаб турган манзил ораси жуда узоқ. Бу жойга бошқа одамларнинг бориши

мушкул. Демак, Афсар/Асқар тоғи инсон оёғи етмайдиган узоқ манзилда жойлашган. Айни пайтда Асқар тоғи Чамбилнинг ёнида деб ҳам талқин этилади. Бу ўринда аниқланиши лозим бўлган ҳолат пайдо бўлади. Гўрўғли Ғиротини узоқ излаб топган Асқартоғ (Пўлкан вариантида Афсар – З.Э.) билан Чамбил ёнидаги Асқар тоғнинг қандай алоқаси бор? "Гўрўғли" туркумига кирувчи "Нуралининг ютилиши" достонида ушбу саволга жавоб топгандай бўламиз. Достонда Чамбил ёнидаги Асқартоғ, ундаги арчали Зарчашма турли сабаблар билан тилга олинган. Айни пайтда Гўрўғли Нуралини излаб йўлга тушган Авазхонни:

Чамбилдан чиқиб кетган сўнг,
Ўн кеча йўл тортган сўнг,
Кўп нарса сенга дуч бўлар,
Фақат ўзингга куч келар.
Асқар товга ўтган сўнг,
Қараб қўй қўлда номангга...
Бир ёғин дер Исфижаҳон,
Бир ёғин дер Нисфижаҳон.
Қўҳиқофнинг атрофи
Шўр дарё ойнаи жаҳон.
Шул ердан омон ўтсанг,
Катта бўлар элга баҳонг... [7.256],

деб кўп хатарлардан огоҳ этар экан, Қўҳиқофу Зангивон манзилларидан нарида:

...Минасан-да дол Ғиротдай самангга.
Асқар деган жуда баланд тови бор,
Етайланиб оқар дарё суви бор,
У товларнинг уч юз олтмиш деви бор,
Ақлингни шошира беҳад зови бор,
Дарвозада Афшар деган деви бор... [7.257],

деб хабар беради. Демак, бахшиларга маълум тасаввурга кўра Чамбил ёнидаги Асқар тоғ билан бирга узоқ Кўҳиқофдан нарида "етти айлана дарё ўртасида" яна бир Асқартоғ бор.

Бундан келиб чиқадики, "Гўрўғли" туркуми достонларида Асқартоғ образи ҳам мифологик макон (ғайб эранлар макони), ҳам реал макон (Чамбилнинг ёнидаги тоғ) сифатида талқин қилинади. Ҳар икки тасаввур ҳам умумэпик мантиққа зид эмас. Чунки халқ тасаввурига кўра ғайб эранлар ўзлари истаган вақтида кишиларнинг ёнида пайдо бўлишади, айни пайтда улардан узоқда, "ернинг киндиги" ёки дунёнинг марказида яшашади. Шу сабабли ҳам ҳаётда дунё маркази моделига уйғун, турли тоғларнинг ёлғиз чўққилари тубидаги булоқ ва якка дарахт ўсиб турган жойлар муқаддас саналиб зиёратгоҳларга айлантирилган. Чамбил яқинидаги Асқартоғда ҳам шундай жой мавжуд, хусусан, Асқартоғнинг Султуз тоғидаги ғор, булоқ ва арчанинг чилтон ғори деб аталиши шундан. "Гўрўғлининг Асқар товда қирқ чилтон пири бўлиб, қирқ чилтоннинг маслаҳати билан тулпор Ғиротга, Чамбилдай юртга эгалик қилган, Эрам боғдан Юнус-Мисқол парини хотинликка олган, қирқ шаҳардан қирқ йигитни йиғиб келган, Ваянгандан Ҳасанхонни, Гуржистондан Авазхонни ўғил қилиб олган эди, барини хизматга солган эди" [3.17]. Достон бошламасида келган бу маълумот узоқ Асқартоғга тегишли. Чамбил ёнидаги Асқартоғ ҳақида эса: "Авазхон Асқарнинг усти, Бешарчанинг остига бориб, зиёрат жойлари бор эди, уларни ҳам зиёрат қилди" [5.215] дейилади. Қуйидаги мисралар ҳам бу фикрни тасдиқ этади. "Зулфизар" достонида Нурали Гўрўғли бобосини бойланган ҳолда кўриб шундай дейди:

Бир тоғинг Асқардир, бир тоғинг Болқон,
Ғирот билан Султуз тоғда сизларнинг
Ҳақингизга дуо қилди қирқ чилтон,
Оч кўзингни, бобом Гўрўғли султон! [4.141].

"Малла савдогар" достони бошламасида: "Авазхонни олти ёшда Хунхор малакатидан олиб келган. Авазнинг бош отасини Булдурқассоб дейди. Саккиз ёшда мактабга олиб бориб қўйган, тўққизида довотнинг қаламини тўғрилаб калимаи шарифни кўнглига битиб олган, ўн ёшида от минмоқни талаб қилган, ўн бирида Гўрўғли Султуз тоғига бирга олиб чиққан. Султуз тоғининг устида якка арча бор экан, шу арчанинг тагига макон қилди, қирқ чилтанлар, Хизир бобо ҳам келди. Бу кеча шулар билан суҳбатда бўлди. Эртаси тонг отди, сўфи азон айтди, дарвешлар намоздан чиқиб чошкага етди. Гўрўғли қирқ чилтондан дуо тилади. Қирқ чилтан қўлини дуога очиб, Авазнинг ҳақига милтиқ ўқи тегса, кор қилмайдиган дуони тиладилар. Хизир бобо марҳамат қилиб, жойларидан туриб, Авазнинг камарини белига буғдилар", [5. 296] дейилади. Бу ўринда бевосита Чамбил ёнидаги Асқартоғ назарда тутиб айтилмоқда. Айни пайтда бу жой қувват бирлигида узоқ Асқартоғ билан боғлиқ эканлиги англашилади. Ушбу қарашлар ўз навбатида дунё халқлари ўртасида кенг тарқалган тоғ билан боғлиқ умумлашма тасаввур ва дунёқарашларга уйғун келади: "Аксарият ҳолатларда тоғ космик тартибнинг барча элементлари ва қурилмасини ўзида мужассам эттирувчи дунё модели сифатида қабул қилинади. Тоғ дунё ўқи ўтувчи марказ сифатида қаралади. Бу ўқ тепада Қутб юлдузига боғланса, пастда қуйи олам, ер остига туташган деб талқин этилади. Ўқ ўтувчи жой "ернинг киндиги" саналади. Характерли томони шундаки, аксарият мифологик анъаналарда дунё (ёки космик) тоғ образи дунё дарахти билан бирга келади, баъзи ўринларда эса дарахт образи четга сурилади ёки унутилади, аммо кўпчилик ўринларда тоғ ва дарахт биргаликда англанади... Дунё тоғи уч қисмга бўлинади. Унинг тепа тарафида илоҳлар, қуйи қисмида ёвуз руҳлар, ўрталик ерда – одамзод насли яшайди" [6. 311]. Демак "Гўрўғли" ва "Алпомиш" достонларидаги

Асқартоғ образи ўз ибтидосида дунё халқларининг кўҳна тоғ топинчларига уйғун ва умумтасаввурларга боғланган.

Ўзбек фольклоршунослигида Асқартоғ образига алоҳида диққат қаратилган эмас. Фақат Ш.Турдимов “Гўрўғли ” достонида эпик ҳомий образи генезиси ва талқинлари хусусида фикр юритар экан, Асқартоғни юнон мифологиясидаги Олимп тоғи билан қиёслаб, этимологик жиҳатдан “Асқар” сўзини икки қисм: “ас”(аз) – олов, “қар”(қир) – тоғ маъносидаги сўзлардан ҳосил бўлиб, сўзма-сўз “олов тоғ”, кенг маънода қуёш тоғи, қуёш макони ёки маъбудлар, ҳомий эранлар, аждодлар руҳи яшовчи макон мазмунида талқин этган. Муаллиф Асқартоғ ҳақидаги тасаввурлар тизимини қозоқларнинг “Алпамис батир” достони мисолида тасдиқлаб, “Гўрўғли” достонининг Пўлкан шоир вариантида қаҳрамоннинг алплик инициациясидан ўтиш жараёнининг “Афсар” тоғида кечганлигини таҳлил этган. Ш.Турдимов фикрига кўра, Афсар аслида Асқар бўлиши керак (чунки туркумликнинг бошқа достонларида айнан Асқартов тилга олинади) ва халқ тасаввури, туркум талқинига кўра Асқартов ернинг маркази ҳисобланиб, дунё дарахти ва тириклик булоғи жойлашган жой, Хизр ва унга ёрдамчи эранлар – чилтонларнинг макони саналади. Олим “Алпамыс батыр” достонидаги тасвирда тоғ, кўл (жили сувли булоқ), дарахт (қора оғоч) мавжуд бўлса-да, ғор унсури унутилганлигини қайд этган. “Гўрўғли” достонининг барча версия ва вариантлари ўзаро қиёсланиб, ҳомийлар макони тикланса, туркий қавмларнинг кўҳна Асқартоғ – ернинг киндиги, ҳомий эранлар макони ҳақидаги тасаввурларига уйғун модель кўз ўнгимизда намоён бўлиши, ушбу тасаввурга кўра Асқартоғ тепасидаги ғор, булоқ, дарахт мужассам жой ернинг киндиги, дунёнинг маркази ҳисобланиши айтилган, қаҳрамоннинг ҳомийлари ушбу жойда яшашади, деган умумий хулосага келган [8.46-47].

Халқимизнинг яна бир мумтоз қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” достонидаги Асқартоғ образи ҳам юқоридаги каби асосга эга. Маълумки, достонда Ҳакимбек етти ёшлик вақти Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биринч ёйни отган эди: “Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди” [1.18]. Ҳакимбек бу хизмати учун алп атанди, Алпомиш бўлди. Бу ўринда ҳам Асқартоғ ҳомий эранлар яшовчи мифологик макон мазмунида келмоқда. Чунки алп атаниши керак бўлган қаҳрамоннинг ёйи фақат ҳомийларга дахлдор тоғ чўққисини учириши мумкин. Достонда бу мотив алоҳида изоҳланган бўлмаса-да, мантиқан айни мазмун англашилади. “Алпомиш” достонида Асқартоғ “Гўрўғли” достонларидаги каби кенг қўлланилмаган бўлса-да, Бойсун-Қўнғиротга тегишли ҳудудда муҳим ўринга эга ном сифатида тилга олинади.

Неча Асқар довон, беллардин ошиб,
Беклар келди бул бойларга етишиб.
Бек Алпомиш Барчинойни кўради,
Кўп элатман бирга кетиб боради,
Қўй оёғи билан йўлни олади,
Аччикўлга келиб бари қўнади [1.185].

Бир сўз билан айтганда, “Гўрўғли” ва “Алпомиш” достонларида халқнинг Асқартоғ ҳақидаги қадим мифологик қарашлари ўз бадиий ифодасини топган. Ўзбек халқ достонларидаги Асқартоғ образининг поэтик талқинларига халқимизнинг тоғ билан боғлиқ қадимий эътиқодий қарашлари асос бўлган.

Адабиётлар:

1. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони / Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов. – Т.: Шарқ, 1998.
2. Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи: Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: М.Муродов. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
3. Ғойибнома ёки Гўрўғлининг сўнгги кунлари – Қарши: Насаф, 2010.
4. Зулфизар / Гулшанбоғ. Достонлар – Т.: Адабиёт ва санъат, 1969.
5. Малла савдогар / Нурали. Достонлар – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
6. Мифы народов мира. 1 том. – М.: Советская Энциклопедия, 1991.
7. Нуралининг ютилиши / Нурали. Достонлар – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
8. Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011.

Андижон давлат университети
2014 йил 27 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Мирзаева)